

Тадбирлар

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН
НЕЪМАТЛАР

Яқинда ЎзМТДПнинг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши, «Маҳалла» хайрий жамоат фонди ва Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида «Мунавварқори» маҳалласида Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан «Истиқлол берган неъматлар» мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.



«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида бугун юртимизнинг барча гўшаларида байрам кечалари ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Пойтахтимизда ҳам бундай тантаналар авжида. Навбатдаги тадбир Ҳамза туманида ташкил этилди.



ТУМАНЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

— Ушбу тадбирни ўтказишимиздан асосий мақсад, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, мустақиллик берган имкониятлар, ютуқлар ва ўзгаришлар тўғрисида маҳаллаларда батафсил тушунтириш ишларини олиб бориш, — дейди Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти кафедра мудири Ақром Ёдгоров.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида юртимизда эришилаётган ютуқлар, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги тугган ўрни, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан олиб борилаётган дипломатик алоқалар хусусида тўхталиб ўтидилар.

Тадбирда йирилганлар мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйини маҳаллаларда юқори савияда ташкил этиш ва кўтаринки руҳда ўтказиш лозимлиги ҳамда ҳар йили анъанага айланган мустақиллик шiori остида ўтказиладиган тадбирларни кўпайтириш ва уни кенг оммага тушунтириш ишларини йўлга қўйиш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтидилар.

Зафар НАЗАРОВ



Мамлакатимизда уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасига самарали татбиқ этилаётган ахборот-коммуникация технологиялари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ), маҳалли бошқарув компаниялари ва кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Бу борада томонлар янги технологиялардан фойдаланишдан манфаат кўрмоқда ва фуқароларимизнинг уй-жой шaroитлари янада яхшиланмоқда.

Ахборот технологияларини жорий этиш ҳар қандай иш унумдорлигини оширишнинг самарали усулларида бири бўлиб, маълумотларни узатиш тезлигини янада ошириш, уларни ҳар қандай форматда сақлаш, тезкор қарорлар қабул қилишни тизимлаштириш, кўплаб мураккаб ҳисоблаш операцияларини автоматлаштириш, статистика ва ҳисобот ҳужжатларини кулай тарзда юритиш имконини бермоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори уй-жой-коммунал хизматлар соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётди. Ушбу ҳужжатда яқин келажақда мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, коммунал хўжалиги тизимини такомиллаштиришда фойдаланиладиган ахборот маҳсулотларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

www.e-kommunal.uz сайти уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги энг самарали инновация лойиҳалардан биридир. У уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига тааллуқли ахборотни, коммунал хўжалик органларига мурожаат қилиш, истеъмолчининг шахсий ҳисобрақами тўғрисида маълумот олиш, қатор интерфаол хизматларни ўз ичига олган. Фуқаролар бу порталдан бепул фойдаланиши мумкин. Пойтахтимиз аҳолиси жамоатчилик назорати жараёнида иштирок этган ҳолда, шахар харитасида муаммоларни участкаларни аниқлаш ва қайд этиши,

уларнинг манзиллини кўрсатиши ва фотосуратини юбориши мумкин. Бундай механизм ушбу муаммоларнинг Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимликлари томонидан бартараф этилишини назорат қилиш имконини беради. Пойтахт аҳолисининг аксарияти бу сайтнинг имкониятларини яхши билади. Бирор-бир муаммо ёки носозлик юзага келганда, улар ўз мурожаатларини айнан шу сайтга юборади. Афсуски, ҳозирча барча мурожаатлар ҳам

ахборот жамланган, хонадонлар ва аҳоли сони кўрсатилган. Бундан ташқари, электрон паспортда коммунал соҳа ташкилотлари олдида турган вазифаларни ҳал этиш, даврий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва тўловларни қабул қилишга мўлжалланган «ХУЖМШда ҳисобга олиш» дастурий комплексини яхшилаштириш учун зарур маълумотлар базаси мавжуд.

Ушбу дастурий комплекс турар жой ва нотурар жой фонди объектлари ҳақида маълумотларни ҳисобга олиш, умумий фойдаланиш сарф-харажатлари ва айрим сервис хизматлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш, тўловларни қабул қилишни ташкил этиш, шунингдек, фуқароларни рўйхатда олган ҳолда қабул қилиш, бухгалтерлик ва солиқ ҳисобини умумий фойдаланидиган форматда юритиш, кўплаб ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради. Ундаги маълумотлар ХУЖМШ ва коммунал-таъмирлаш авария-қайта тиклаш хизмати ассоциацияси маълумотлар базаси учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, турли ХУЖМШ бригадаларининг таъмирлаш бўйича аризалари ҳақидаги маълумот электрон шаклда тўғридан-тўғри коммунал-таъмирлаш авария-қайта тиклаш хизматига узатилади. Натижада ҳам вақт, ҳам ресурс тежалди.

Маълумотлар базаси иловаларининг дизайни талабларига жавоб берадиган намуналар интерфейси ушбу дастурий маҳсулотнинг афзалликларида ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, компьютерда ишлаш кўникмасига эга бўлмаган ХУЖМШ вакиллари унинг қисқа вақт ичида ўзлаштиришига ёрдам беради.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дастурдан истеъмолчилар фақат алоҳида логин-паролни киритгандан сўнг фойдаланиши мумкин. Дастур тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, база маъмури фақат технология вазифасини бажаради, холос.

Айни пайтда дастурий комплексни ишлаб чиққан «Техно-Soft» масъулиятли чекланган жамияти мутахассислари томонидан дастур айрим буюртмачилар эҳтиёжларига мослаштирилмоқда. Хусусан, қатор маҳалла бошқарув компаниялари ҳисобдорлигини тузишда зарур вазифаларни ўз ичига оладиган дастурий маҳсулот учун буюртма берган.

Ахборот технологияларни ривожлантириш, маълумотларни узатиш ва уларга ишлов бериш тезлигини ошириш, турли ҳисоблаш операцияларини автоматлаштириш уй-жой коммунал хўжалиги ишлари самардорлигини янада оширади, яратилаётган ахборот маҳсулотлари эса аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Р.БОНДАРЧУК

Семинар

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Вафоев, Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси Ф.Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ф.Халилов, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижрочи директорининг биринчи ўринбосари М.Зиёдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунидан борадаги ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, касалликлар профилактикасини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай кенг қўлланма савий-ҳаракатлар соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Семинарда тиббий-ижтимоий меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятининг қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳақида сўз борди. Бунда тиббий-маслаҳат комиссиялари фаолиятини нагирлар андозаларга мослаштириш, ҳалқларнинг турмуш шaroитларини янада яхшилаш, жамиятга интеграциялашувини кенгайтириш, даволаш ва реабилитация ишларига замонавий технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда пенсия таъминотида оид норматив ҳужжатларни оптималлаштириш, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, архив идораларида ҳужжатларни жамлаш, сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикрлашилди.

Н.АБДУРАИМОВА

БИЛИМ ВА ТАФАККУР
СИНОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказий Осиёда геология, машинасозлик, авиация, энергетика, электротехника, автоматика соҳасидаги йирик техника университетларидан бири — Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети абитурientлар билан ҳар қанонгидан гавжум. Бу ерда санот иқтисодиёти ва менежмент соҳаси мутахассислари ҳам тайёрланмоқда. Бу йил университетнинг механика-машинасозлик, шунингдек, электроника ва автоматика, нефть ва газ факультетларига абитурientлардан энг кўп ариза тушди.

Мазкур университет қабул комиссиясининг масъул котиби Нуриддин Абдужабборовнинг айтишича, олий ўқув юртига 38 йўналиш бўйича қабул қилинган аризаларнинг умумий сони 16 мингдан ошган. Жорий йилда бакалаврларни қабул қилиш квотаси 2530 тани ташкил қилади. Хусусан, 1045 нафар талаба грант бўйича, 1485 нафари тўлов-контракт асосида таълим олади.

Таъкидлаш жоизки, университетда кириш имтиҳонлари юксак савияда ташкил этилди: абитурientлар кенг ва ёруғ хоналарга жойлаштирилди.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган етакчи техника университети — Тошкент ахборот технологиялари университетининг ёшлар ўртасидаги нуфузи жуда баланд. Айни пайтда ушбу университет битирувчиларига талаб ортиб бораётди. Чунки, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари тобора кенг жорий этилмоқда.

Бугун Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолияти телефон ва почта алоқаси, компьютер технологияларига хизмат кўрсатиш, телевидение, шунингдек, ахборот-ресурс ва ахборот-кўтубхона марказлари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган. Бундан ташқари, университет нафақат таълим муассасаси, балки дастурий таъминот ва янги технологияларни яратиш маркази ҳамдир.

Тошкент ахборот технологиялари университети қабул комиссиясининг масъул котиби Ўткир Ҳамдамовнинг айтишича, бакалаврларнинг «Информатика ва ахборот технологиялари», «Телевидение, радиоалоқа ва радио эшитириш», «Телекоммуникация», «Мобиль алоқа тизимлари», «Ахборот хавфсизлиги» каби йўналишларига энг кўп ҳужжат топширилган. Масалан, бу йил «Компьютер инжиниринг» йўналиши бўйича 2183, «Телекоммуникация» йўналиши бўйича эса 1953 ариза қабул қилинган.

Сирдарё вилоятининг Шохаббос Ҳамидов — «Компьютер инжиниринг» йўналиши бўйича таълим олиш истагидаги абитурientлардан бири. Унинг айтишича, бугунги кунда меҳнат бозорига ушбу мутахассисликка талаб юқори.

Жорий йилда Тошкент ахборот технологиялари университетидаги саккиз йўналиш бўйича 8578 нафар абитурient ариза топширган. Уларнинг 1315 нафарига ушбу олий ўқув юртининг талабаси бўлиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 11 июнда қабул қилинган «2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жорий йилда мамлакатимиз талаба-ёшларининг сағига 56607 нафар бакалавр қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига кўра, жорий йилда олий ўқув юртларига кириш учун абитурientлардан аввалги йиллардагига нисбатан анча кўп — 480 мингдан ортиқ ариза тушган. Жумладан, энг кўп ариза Термиз давлат университетида тушган: 1660 ўринга 24877 ариза (бир ўринга — 14,99 даъвогар), Гулистон давлат университетида — 900 ўринга 13169 ариза (14,63), Қарши давлат университетида — 1245 ўринга 17701 (14,22) ариза қабул қилинган.

Бу мамлакатимиз ёшлари ўртасида олий таълим олишга бўлган қизиқиш ва интилишнинг тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Назokat УСМОНОВА,
Меҳрибан МАМЕТОВА,
ЎзА мухбирлари

Ижтимоий муҳофаза — амалда

ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРЛИ
ИШЛАРИ

«Соғлом авлод учун» жамғармаси жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирларни ўтказмоқда.

Чунончи, жамғарманинг тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари республикамиз ҳудудидаги маҳаллалар ва қишлоқларда бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантириш мавзуларида тиббий маслаҳатлар беришмоқда.

Жумладан, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари шифокорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари билан ҳамкорликда республикамиздаги қишлоқ ва маҳаллаларда бўлишиб, оилаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди. 2013 йилнинг ўтган 7 ойи давомида Республика тиббий-ижтимоий патронаж кўча бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳаридан 596 та қишлоқ ва 1515 та маҳаллаларида 26 643 та оилаларнинг ижтимоий шaroити, ундаги психологик муҳит ва болалар соғлиғи ўрганилди. Тиббий кўриқ давомида жами 116 662 нафар аҳоли саломатлиги назоратдан ўтказилди.

Кам таъминланган оилалар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан бепул 87 893 қўти, 295 003 дона дори-дармонлар ва 50 747 дона санитария ва гигиена воситалари ҳамда 8 144 дона кийим-кечаклар, 384 кг озиқ-овқат, 6 та ногиронлик аравачаси хайрия ёрдами сифатида тарқатилди.

Жумладан, кўни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Жараник» маҳалласи аҳоли «Соғлом оила — тараққиёт пойдевори» шiori остида тиббий кўриқдан ўтказилди. Ушбу тадбир «Соғлом авлод учун» жамғармаси тиббий-ижтимоий маркази шифокорлари томонидан амалга оширилди ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзусида тушунтириш ишлари олиб борилди. Тиббий кўриқдан ўтганларнинг асосий қисmini аёллар, ўсимирлар ва фертил ёшдаги аёллар ташкил этди.

Аҳоли, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бундай тадбирлар давом этмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ДОВОН ОШИБ (1998 йил)

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши миллий менталитетимизга айнан мос эди. Чунки оилага муносабат бизда бутунлай ўзгача — биз оилапарвар халқимиз.

Оила — миллат бешиги. У жамиятнинг энг кичик бўғини. Ҳаётнинг даражаси ҳам, инсоннинг бахти ҳам оилада муайянлашади, шахс, аввало, хонадон муҳитида камол топади. «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг», «Уйда роҳати йўқнинг ишда унуми йўқ», «Уйига сизмаган элига сизмас», деган ва бошқа қўллаб мақолларни халқ бекорга тўқмаган.

27 январда оила манфаатларини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган «Оила йили» Давлат дастури эълон қилинди ва йил давомида амалга оширилди.

Оила билан боғлиқ меросимизни янада теранроқ ўрганиш, тарғиб-ташвиқ эдики, қанчадан-қанча мақолаю рисолаю китоблар, тақвиму плакатлар чоп этилди, эшитиришу кўрсатувлар қилинди, одамлар билан бевосита мулоқотлар уюштирилиб, шу ҳақда қизгин суҳбатлар қурилди, оилани мустақамлашга қаратилган талай чора-тадбирлар ўтказилди, кам таъминланган оилаларга моддий-маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

Бу қучли ижтимоий сиёсатнинг бир бўлаги эди. Дастур ижроси асосида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳам ташкил этилди (02.02).

Йил бошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1.000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди (13.01).

Фаргона водийси ҳудуди — ўзига хос. Сирдарё дарёси Тошкент вилоятининг Бекобод туманига кириб келадиган биргина «дарвоза»ни ҳисобга олмасак, у бошқа ҳамма тарафи тоғ билан ўралган ҳудуд. Ана шу геосиёсий жиҳатини инобатга олиб, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» меъмуарида бу водийга қиш маҳаллари душман ҳужум қила олмаслигини ёзиб кетган.

Фаргона водийси — маъмурий-ҳудудий эмас, балки соф жўғрофий тушунча. Ана шу тўрт тарафи тоғ билан ўралган жаннатмонанд маконда 3 давлатнинг ери бор. Бу ерда жами 7 вилоят — Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Қирғизистоннинг Боткент, Жалолобод, Ўш ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари ҳайрланган.

«Довон» тоғнинг ошиб ўтиш қулай бўлган жойини англатади. Ўзбекистонимизда 3 катта довон бор — Қамчиқ Тошкент воҳасини Фарғона водийсига, Ташкент воҳасини Самарқанди Қашқадарёга, Тошхор эса — Жиззахни Самарқандга улайди.

Бекорга довон ҳақида гап очилгани йўқ. 19 февралда Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида Тошкент — Андижон — Ўш — Қашқар автомобиль йўлида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланди. Қамчиқ довони йўл қурилиши бошлаб юборилди. Бу довон Тошкент вилояти билан Фарғона водийсини ажратиб турган баланд тоғлар устидан ўтади.

Қамчиқ довонининг аҳамияти шундан иборатки, у Фарғона водийсидagi уч вилоятимизни мамлакатимиз пойтахти ва бошқа ҳудудлари билан боғлайди. Акс ҳолда, бу водийда яшаётган ўн миллионли аҳолининг қатнови қийин кечган бўлар эди. Чунки илгариги темир йўл ҳам, автомобиль магистрал йўли ҳам бевосита Тожикистон Республикаси ҳудудидан ўтади. Тошкент вилоятидан қўшни Наманган вилояти бориш учун ҳам транзит орқали бошқа давлатни кесиб ўтиш керак. Биласизки, қўшни Тожикистонда яқин-яқингача тинчлик-хотиржамлик бўлмади. Хорижий давлат ҳудудидан ўтишнинг, тинчлик-хотиржамликдан ташқари, бошқа яна талай муаммолари ҳам бор.

Февраль ойида «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор чиқди, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтига университет мақоми берилди, «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида 22 ва 32 от кучига эга бўлган икки турдаги мини тракторлар ва уларга усқуналар комплексларини ишлаб чиқарадиган Хитой билан қўшма корхона ташкил этилди.

Март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони мувофиқ «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилди, Қўқон электр машинасозлик заводида Асақдаги «ЎзДЭУавто» корхонасида тайёрланадиган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон

«Олимпия шон-шухрати» музейига Халқаро Олимпия қўмитасининг «Олимпия шон-шухрати» музейи филиали мақоми берилди.

Апрель ойида Урганчада Хоразмий ва Беруний номларидagi боғларга асос солишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди (03.04), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (23.04) фармони қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасидаги умумтаълим мактаби ва бошқа ўқув муассасаларининг «Ешлик» кўнгилли спорт жамияти тузилди (21.04).

Элни ер боқадди. Хусусан, асосий машғулоти дехқончилик бўлган халқ учун ер — жуда жиддий масала. Буни ҳис этиш учун узокқа бориш керак эмас — икки жилдги «Ўзбек халқ мақоллари» тўпламида нақд 94 та (!) мақолнинг айнан «ер» сўзи билан бошланганининг ўзи ҳам кўп нарсадан далolat беради. Мана, улардан айримлари: «Ер бойиса, эл бойир», «Ер бойикнинг онаси бўлса, отаси — меҳнат», «Ер деганинг — олтин қозик», «Ер олган — эр, ер сотган — қора ер», «Ер-сув — битмас кон», «Ер тўйгани — эл тўйгани», «Ер — хазина, сув — гавҳар», «Ер — эл

Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институтига асос солинганлигининг 125 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди (16.09), «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ташкил этилди (25.09), Тошкентда Осиё Тараққиёт банкнинг доимий ваколатхонаси очилди (28.09), Ҳазораспдаги «Хоразм қанд заводи» қўшма корхонасида дастлабки қанд маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ноябрь ойида Термиз шаҳрида биринчи «Алпомиш ўйинлари» фестивали ўтказилди (13-14.11), Тошкентда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ноҳукумат ташкилотларининг роли» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди (17.11), Ўзбекистоннинг «Фармед» хусусий фирмасига халқаро мукофот — «Сифат олтин юлдузи» топширилди, Тошкентда синхрон сузи бўйича «Сув париси» 1-халқаро турнири ташкил этилди.

Декабрь ойида «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди (11.12), Бангкокда ўтказилган 13-Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар спортнинг 23 тури бўйича 42 мамлакат спортчилари билан беллашиб, 10 та энг қучли жамоа сафига кирди ва 40 та медаль — 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза медалини қўлга киритди (22.12).

Биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 13-сессиясида (24 — 25.12) Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» қонунини қабул қилинди. 1998 йилнинг бевосита Ўртбошимиз фаолияти билан боғлиқ икки ўта муҳим воқеасини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Биринчиси шуки, «Тафаккур» журналининг 2-сонидa Президент Ислам Каримовнинг «Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» мавзuida мазкур нашр бош муҳаррирининг саволларига жавоблари эълон қилинди.

Шуро даврида жамият тамоман мафқуралаштирилган, яқка мафқура ҳукмонлиги ўрнатилган эди. Одамлар «мафқура» деган сўздан безиб қолган эди. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим зиёлилар онгидa гўё энди инсон мафқурага эҳтиёж сезмайдигандай, жамият шусиз ҳам ўз-ўзича тараққий этиб кетаверадигандай тасаввур ҳам пайдо бўлиб улгурган эди. Президентнинг бу чиқишлари шу нотўғри тасаввурларга барҳам берди: ҳеч бир халқ, жамият мафқурасиз олға интила олмайди. Аммо, унутмаслик керакки, демократик тузумда бунёдкор гоёлар тарғибга йўналтирилган турли мафқураларнинг амал қилишига ҳуқуқий асос яратилди, миллий мафқура эса халқники — жамиятники бўлади, Конституцияимизнинг 12-моддасига биноан, ҳеч бир мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Президентимизнинг ўша йилги иккинчи чиқиши тарихга ҳолис муносабат йўналишларини белгилаб берди. Давлатимиз раҳбарининг тарихчи олимлар билан суҳбати асосида юзага келган мақола «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» сарлавҳаси остида «Мулоқот» журналининг ўша йилги 5-сонидa босилди.

Ўша пайтларда бир зиёлининг хунлар давлати ва унинг етакчиси Атилла ҳақида сўзлаб қолди. Тўғри, дунё олимларининг эътирофига қўра, хунлар туркий халқлар бўлган. Бироқ ҳақонда, хусусан, Европада хунлар ҳақида жуда салбий тасаввурлар шаклланиб улгурган. Чунки хунлар бир пайтлар Атилла бошчилигида Европанинг катта қисмини ваҳшийларча босиб олган, жумладан, Римни вайрон этган, деган маълумотлар бор.

Президент Ислам Каримов шу суҳбатидa бир тарихий ҳақиқатни илман исботлаб берди: шундай серҳосил ери ва зилолдек сувлари бор, чўпни суксанг, қўқариб, ноз-неъмат яратадиган, яъни инсон яшаши учун ҳар тарафлама қулай жойни ташлаб, тарихда ҳеч ким босқинчилик қилиб, Европа ёки бошқа юртларга қўчиб кетган эмас! Хунлар туркий халқ бўлиши мумкин, лекин Атилла бошчилигидаги қўшин бизнинг юртимиздан кетмаган... Ўзбек — азалдан вайронкор эмас, аксинча, бунёдкор халқ бўлган-ку!

Бундай нозик муносабатлар мағзини қақиш керак. Бу нуқтаи назарлар замирида буюк бир халқ манфаати ётганлигини аниқлаш эса унчалар қийин эмас.

1998 йил таҳлилга бағишланган ушбу мақоламиз бошроғидa довон ҳақида сўз борди. Тилимиздаги «довон ошмоқ» ибораси айнан тоғдан ошиб ўтишни, кўча маънода эса бирон-бир маррани эгаллашни билдиради. Ўз маъносидa ҳам, кўча маъносидa ҳам довондан ошиб ўтишнинг ўзи бўлмайди.

Агар мустақиллигимизнинг йиғирма икки йилини кўз олдимизга келтирсак, 1998 йил мустақиллик йилларининг ўзига хос довонига ўхшайди.

Ўзбекистон бу довондан келажакка комил ишонч ва собитқадамлик билан ошиб ўтди.

Олим МАХМУДОВ
(Келгуси сонда 1999 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).

Истиқлол. Сложот. Истиқбол

билан обод, эл — ер билан обод» ва ҳоказо.

Шуро сиёсати дехқонни ердан, аниқроғи, унга эгалик қилиш ҳуқуқидан буткул жудо қилди. Мустақиллик ерга муносабатини тубдан ўзгартирди. Бу жараён ҳозиргача изчил давом этапти.

30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шу ойда Ўзбекистон Республикаси Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси (у 2012 йили Ўзбекистон фермерлари кенгашига айлантирилди), 24 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди. 28 — 29 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида «Давлат Ер кадастри тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мустақиллик йилларини эсга олсак, маълум бўладики, ҳар йили бир-икки буюк аждодимиз таваллуд тўйи халқаро миқёсда нишонланган. Биз шунчалик катта маънавий мерос яратган халқимизки, энди абад ул-абад бошимиз таваллуд тўйидан чиқмайди. Таъкидлаш жоизки, ЮНЕСКО, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти қўллаб-қувватлаши учун таваллуд халқаро миқёсда нишонланадиган ўша зот, чиндан ҳам, жаҳон тамаддуни раваннага муносиб ҳисса қўшган бўлиши лозим.

Март ойида Тошкент ва Фарғона шаҳарларида Аҳмад Фарғонийнинг 1.200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жалолддин Мангубердиннинг 800 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. 23 октябрда Самарқандда Имом Бухорий таваллудининг 1.225, 24 октябрда эса Фарғона вилоятида Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1.200 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Самарқанднинг Хартанг қишлоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи, Фарғона шаҳрида Аҳмад Фарғоний истироҳат боғи очилди. Кува шаҳрида бу буюк зотга ҳайкал ўрнатилди. Бу тадбирларда дунёнинг 40 мамлакатидан меҳмонлар иштирок этди. 6 ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлиси бўлиб ўтди. ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги гуруҳ Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон миллий) университети Мирзо Улуғбек номидаги кафедраси очилиши маросимидa қатнашди.

Май ойида музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди (04.05), «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони таъсис этилди (12.05), ўзбек альпинистлари томонидан илк бор Жомолунгма (Эверест) чўққиси забт этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўрнатилди (22.05), Навоий вилоятида Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди.

Июль ойида Тошкентда Халқаро хусусий суғурта компанияси очилди, Тошкент рус ёш томошабинлар театри Ўзбекистон ёшлар театрига айлантирилди, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқарадиган «Санлайт» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Август ойида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони (25.08), «Эл-юрт хурмати» ордени (28.08) таъсис этилди.

Сентябрь ойида Халқаро кураш ассоциацияси тузилди (06.09), Тошкентда Ўзбекистон Республикаси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Орзунинг ўзи билангина иш битмайди, ҳаракат ҳам керак.

Улуғлик оддийликда.

Кўзи оч кимса жоҳилдан баттар.

Текиннинг лекини бор.

Кўнгли эгри киши гап пойлайди.

Ниманинг кўпи яхши, ниманинг ози.

Гап нимадалигини билмай бировдан хафа бўлма.

Вақтни қувиб етиб бўлмайди.

Оқлаш қийин, қоралаш осон.

Нодон ўзини кўрсатишга ўч бўлади.

Қизишганга босиқ бўл.

Ҳар ким дидига яраша кийинади, фаросатига яраша ҳаракат қилади, ақлига яраша яшайди.

Ор олтиндан қиммат.

Мажбуриятдан қочиб қутулмайсан.

Бир ишинг юришса, бири юришмас.

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ ҳар шанба — тозалик кун

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўиши ҳар бири-нинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!



Тошкент шаҳрида 3 август кун ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секунди-га 5-10 метр тезликда шал-га эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға қўра, 3-5 ва 6 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яради. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдорли паст бўлади.

